ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# 74 Республика ички истеъмолчиларига реализация қилинадиган пахта толасига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 16 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2327***

***(2012 йил 26 февралдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ–1675-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги



www.lex.uz

қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 561-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарор қиладилар:

1. Республика ички истеъмолчиларига реализация қилинадиган пахта толасига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2012 йил 20 январь,
4-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси** **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2012 йил 20 январь,
2012-1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2012 йил 20 январдаги
4, 2012-1-сон қарорига
ИЛОВА

## Республика ички истеъмолчиларига реализация қилинадиган пахта толасига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ–1675-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 561-модда) мувофиқ пахта толасини республика ички истеъмолчиларига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.



www.lex.uz

## I боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ–456-сон «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 36-сон, 359-модда) 1-бандига мувофиқ пахта толасини қайта ишловчи республика корхоналарига (бундан буён матнда республика ички истеъмолчилари деб юритилади) пахта толасини реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари (бундан буён матнда ТИАИСВ компаниялари деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси (бундан буён матнда ЎзРТХБ деб юритилади) орқали эркин айирбошланадиган валютада амалга оширилади.

Республиканинг алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга тармоқларидаги корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра пахта толаси «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари (бундан буён матнда «Пахтасаноат» ҲАБ деб юритилади) билан тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар асосида реализация қилиниши мумкин.

2. Пахта толасини республика ички истеъмолчиларига ТИАИСВ компаниялари ва ЎзРТХБ орқали реализация қилиш ва пахта толаси учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ–456-сон «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.

## II боб. Пахта толасини «Пахтасаноат» ҲАБга реализация қилишда пахта тозалаш заводлари томонидан ҳисобварақ-фактураларда қўшилган қиймат солиғи суммаларини акс эттириш

3. Пахта тозалаш заводлари томонидан республика ички истеъмолчиларига реализация қилиш учун мўлжалланган пахта толасини «Пахтасаноат» ҲАБга реализация қилиш кондицион оғирликда улгуржи прейскурант нархларда қўшилган қиймат солиғининг 20 фоиз ставкаси қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

4. Ҳисобварақ-фактуралар пахта тозалаш заводлари томонидан пахта толаси бўйича «Пахтасаноат» ҲАБнинг нарядлари асосида ёзилади.

Республика ички истеъмолчиларига реализация қилиш учун мўлжалланган пахта толаси бўйича ҳисобварақ-фактураларни пахта тозалаш заводлари томонидан тўлдириш шакли ва мисоли мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган.



www.lex.uz

## III боб. Республика ички истеъмолчиларига пахта толасини реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ ва ТИАИСВ компаниялари томонидан ҳисобварақ-фактураларда қўшилган қиймат солиғи суммаларини акс эттириш

5. Пахта толасини республика ички истеъмолчиларига реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига олувчи воситачилик ҳақидан келиб чиққан ҳолда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқаради.

6. Пахта толасини ЎзРТХБ орқали ва тўғридан-тўғри шартномалари бўйича республика ички истеъмолчиларига реализация қилишда, шунингдек пахта толасини ТИАИСВ компаниялари орқали республика ички истеъмолчиларига реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан ёзиб бериладиган ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш шакллари ва мисоллари мазкур Низомнинг 2 ва 2а-иловаларида келтирилган.

«Пахтасаноат» ҲАБ ёзиб берилаётган ҳисобварақ-фактурада пахта толаси қийматини ва қўшилган қиймат солиғи суммаларини тегишинча ажратиб кўрсатган ҳолда воситачилик ҳақи суммасини алоҳида сатрларда ажратиб кўрсатади.

Бунда, ҳисобварақ-фактуралар мазкур Низомга мувофиқ қатъий амал қилган ҳолда маълумотларни ўз ичига олиши керак.

7. ТИАИСВ компаниялари пахта толасини республика ички истеъмолчиларига реализация қилишда ҳисобварақ-фактурада «Пахтасаноат» ҲАБ ҳисобварақ-фактураларида кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммаларини, шунингдек компаниянинг воситачилик ҳақидаги қўшилган қиймат солиғи суммасини ажратиб кўрсатадилар.

Пахта толасини республика ички истеъмолчиларига реализация қилишда ТИАИСВ компаниялари томонидан ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш шакли ва мисоли мазкур Низомнинг 2б-иловасида келтирилган.

## IV боб. Пахта толаси бўйича ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси

8. «Пахтасаноат» ҲАБ ва ТИАИСВ компаниялари томонидан ёзиб бериладиган ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 218-моддасида назарда тутилган тартибда республика ички истеъмолчилари томонидан ҳисобга олинади.

9. Агар республика ички истеъмолчиларига реализация қилинаётган пахта толасининг жаҳон баҳоси (15 фоиз миқдоридаги чегирмани чиқариб ташлаган ҳолда), прейскурант баҳосидан (қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда) паст бўлса, ҳисобга олиниши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси прейскурант баҳосидан эмас, ҳақиқатда реализация қилиш баҳоси-



www.lex.uz

дан келиб чиқиб, ҳисоб-китоб йўли билан қуйидаги формула орқали аниқланади:

**Қўшилган қиймат солиғи = Жаҳон баҳоси (чегирмани ҳисобга олган ҳолда) х 20/120**


www.lex.uz

Республика ички истеъмолчиларига реализация қилинадиган пахта толасига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Пахта толасини кейинчалик республика ички истеъмолчиларига реализация қилиш учун «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларига реализация қилишда пахта тозалаш заводлари томонидан ҳисобварақ-фактурани тўлдириш**
**МИСОЛИ**

**20__ йил 4 январдаги 10/1-010-сон нарядга**

**20__ йил 5 январдаги 104/007-сон**
**ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

| | |
|---|---|
| Етказиб берувчи: ОАЖ «Қоракўл» | Сотиб олувчи: «Бухоро Пахтасаноат» ҲАБ |
| Манзил: 106000, Қоракўл ш., Нурафшон кўч., 1 | Манзил: 105004, Бухоро ш., Ғиждувоний кўч., 16 |
| Телефон: 56-57-321 | Телефон: 223-00-64 |
| Ҳисоб рақами: | Ҳисоб рақами: |
| Банк: | Банк: |
| Банк коди: | Банк коди: |
| СТИР: | СТИР: |
| ХХТУТ: | ХХТУТ: |

| Товарлар номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Ўлчов бирлиги нархи (сўм) | Етказиб бериш қиймати ҚҚСсиз | ҚҚС ставкаси | ҚҚС суммаси | Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда қиймати (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 1. Пахта толаси, 5 тур, биринчи нав, ўрта синф | кг | 500,0 | 1 605, 058 | 802 530 | 20 | 160 506 | 963 036 |



www.lex.uz

| Товарлар номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Ўлчов бирлиги нархи (сўм) | Етказиб бериш қиймати ҚҚСсиз | ҚҚС | | Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда қиймати (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ставкаси | суммаси | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 2. Пахта толаси,<br>5 тур, иккинчи нав, олий синф | кг | 1500,0 | 1 637, 158 | 2 455 737 | 20 | 491 147 | 2 946 884 |
| **ЖАМИ** | | **2000,0** | | **3 258 267** | | **651 653** | **3 909 920** |

Жами тўлашга: уч миллион тўққиз юз тўққиз минг тўққиз юз йигирма сўм.

Раҳбар ____________________
Бош бухгалтер _______________

Олдим ______________________________
(сотиб олувчи ёки ваколатли вакилнинг имзоси)

М.Ў.

20__ йил «___» _________ даги
_____-сон ишончнома бўйича
___________________________
(товар олувчининг Ф.И.О.)

Товарни бердим _____________________________
(етказиб берувчининг масъул шахси имзоси)



www.lex.uz

Республика ички истеъмолчиларига реализация қилинадиган пахта толасига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

## Пахта толасини ЎзРТХБ орқали ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича республика ички истеъмолчиларига реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан ҳисобварақ-фактурани тўлдириш МИСОЛИ

### 2011 йил 28 декабрдаги Экс-155-сон хабарномага

### 2012 йил 9 январдаги 101-00001-сон ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА

юклаб жўнатиш санаси 29.12.2011 й.
курс 1796.22

Етказиб берувчи: «Бухоропахтасаноат ҳудудий бирлашмаси» ОАЖ
Манзил: 705004 Бухоро ш., А. Ғиждувоний кўчаси, 16
Телефон: 223-00-64
Ҳисоб рақами: 20210000900578884008
Валюта ҳисоб рақами: 20210840300578884002
АТБ «Микрокредит банк» Бухоро вил. амалиёт бўлими МФО: 00109
СТИР: 200851795 ХХТУТ: 97400

Сотиб олувчи: ТАШ. БУМ, Ф-КА ГПО «ДАВЛАТ БЕЛГИСИ»
Манзил: 111104 Тош. вил. Тош. р/н Ю-абад, п, Дархан
Телефон: 124-94-77,124-52-80
Ҳисоб рақами: 21596000800447895001
Валюта ҳисоб рақами:
Тошкент ш. МБ ҲКМ ББ
МФО 00014
СТИР: 201689900 ХХТУТ: 15310

| Товарлар (ишлар, хизматлар) номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | | 1 тонна учун нарх АҚШ долларида | 1 тонна учун ҚҚСсиз улгуржи прейскурант нархи | Маҳсулот қиймати | ҚҚС | | ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати | Етказиб бериш қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Нетто | Кондиц. оғирлиги | | | | ставка | сумма | | |
| 1 нав, 4 тур, синфи олий, АҚШ долл. қиймати | кг | 13 503,00 | | 2 078,33 | | | | | | 28 063,69 |
| миллий валютадаги эквиваленти, сўм | | | | 3 733 137,91 | | | | | | |



www.lex.uz

| Товарлар (ишлар, хизматлар) номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | | 1 тонна учун нарх АҚШ долларида | 1 тонна учун ҚҚСсиз улгуржи прейскурант нархи | Маҳсулот қиймати | ҚҚС | | ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати | Етказиб бериш қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Нетто | Кондиц. оғирлиги | | | | ставка | сумма | | |
| шу жумладан миллий валютадаги улгуржи-прейскурант бўйича нархи | кг | | 14 224,00 | | 2 664 500, 00 | 31 267 374,60 | 20% | 6 253 474,92 | 37 520 849,52 | 37 520 849,52 |
| 1 нав, 4 тур, синфи яхши, АҚШ долл. қиймати | кг | 37 791,30 | | 2 058,54 | | | | | | 77 794,90 |
| миллий валютадаги эквиваленти, сўм | | | | 3 697 590,72 | | | | | | |
| шу жумладан миллий валютадаги улгуржи-прейскурант бўйича нархи | кг | | 39 809,00 | | 2 639 120, 00 | 86 675 100,67 | 20% | 17 335 020,13 | 104 010 120,80 | 104 010 120,80 |
| Ташиш бўйича харажатлар* | | | | | | 492 520,85 | 0% | | 492 520,85 | 492 520,85 |
| «Сифат» харажатлари* | | | | | | | | | | |
| Қабул қилиш* | | | | | | 287 988,60 | 20% | 57597,72 | 345 586,32 | 345 586,32 |
| Юклаб жўнатиш* | | | | | | | | | | |
| Сақлаш* | | | | | | 121 997,05 | 20% | 24399,41 | 146 396,46 | 146 396,46 |
| Воситачилик ҳақи | | | | | | 737 140,47 | 20% | 147 428,10 | 884 568,57 | 884 568,57 |
| Жаҳон ва улгуржи-прейскурант қиймат орасидаги фарқ (ижобий) | | | | | | | | | | 46 745 274,01 |
| Жаҳон ва улгуржи-прейскурант қиймат орасидаги фарқ (салбий) | | | | | | | | | | |
| **Жами:** | **АҚШ доллари** | | | | | | | | | **105 858,59** |
| | **сўм** | | | | | | | | | **190 145 316,53** |
| **Жами тўлашга:** | **Бир юз беш минг саккиз юз эллик саккиз доллар 59 цент** | | | | | | | | | |
| | **Бир юз тўқсон миллион бир юз қирқ беш минг уч юз ўн олти сўм 53 тийин** | | | | | | | | | |

* Агар ушбу хизматлар ҚҚС тўловчиси бўлган корхоналар томонидан кўрсатилган бўлса ва ҳисобварақ-фактураларда ҚҚС суммаси ажратиб кўрсатилган бўлса, ҚҚС акс эттирилади.

Раҳбар ____________________
Бош бухгалтер _______________

Олдим ________________________________
(сотиб олувчи ёки ваколатли вакилнинг имзоси)

М.Ў.

20__ йил «___» _________ даги
_____-сон ишончнома бўйича
___________________________
(товар олувчининг Ф.И.О.)

Товарни бердим ____________________________
(етказиб берувчининг масъул шахси имзоси)



www.lex.uz

Республика ички истеъмолчиларига реализа-
ция қилинадиган пахта толасига қўшилган
қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2а-ИЛОВА

## Пахта толасини ТИАИСВ компаниялари орқали республика ички истеъмолчиларига реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан ҳисобварақ-фактурани тўлдириш МИСОЛИ

## 2011 йил 28 декабрдаги Экс-155-сон хабарномага

## 2012 йил 9 январдаги 101-00001-сон ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА

юклаб жўнатиш санаси 29.12.2011 й.
курс 1796.22

Етказиб берувчи: «Бухоропахтасаноат ҳудудий бирлашмаси» ОАЖ
Манзил: 705004 Бухоро ш., А. Ғиждувоний кўчаси, 16
Телефон: 223-00-64
Ҳисоб рақами: 20210000900578884008
Валюта ҳисоб рақами: 20210840300578884002
АТБ «Микрокредит банк» Бухоро вил. амалиёт бўлими МФО:00109
СТИР: 200851795 ХХТУТ: 97400

Сотиб олувчи: ГАВК «Узпроммашимпэкс» 11
Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107
Телефон: 238-54-33
Ҳисоб рақами: 20210000400600100001
Валюта ҳисоб рақами:
МФО:
СТИР: 200523256 ХХТУТ: 72100

| Товарлар (ишлар, хизматлар) номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | | 1 тонна учун нарх АҚШ долларида | 1 тонна учун ҚҚСсиз улгуржи прейскурант нархи | Маҳсулот қиймати | ҚҚС | | ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати | Етказиб бериш қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | нетто | кондиц. оғирлиги | | | | ставка | сумма | | |
| 1 нав, 4 тур, синфи олий, АҚШ долл. қиймати | кг | 13 503,00 | | 2 078,33 | | | | | | 28 063,69 |
| миллий валютадаги эквиваленти, сўм | | | | 3 733 137,91 | | | | | | |
| шу жумладан миллий валютадаги улгуржи-прейскурант бўйича нархи | кг | | 14 224,00 | | 2 664 500, 00 | 31 267 374,60 | 20% | 6 253 474,92 | 37 520 849,52 | 37 520 849,52 |
| 1 нав, 4 тур, синфи яхши, АҚШ долл. қиймати | кг | 37 791,30 | | 2 058,54 | | | | | | 77 794,90 |
| миллий валютадаги эквиваленти, сўм | | | | 3 697 590,72 | | | | | | |



www.lex.uz

| Товарлар (ишлар, хизматлар) номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | | 1 тонна учун нарх АҚШ долларида | 1 тонна учун ҚҚСсиз улгуржи прейскурант нархи | Маҳсулот қиймати | ҚҚС | | ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати | Етказиб бериш қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | нетто | кондиц. оғирлиги | | | | ставка | сумма | | |
| шу жумладан миллий валютадаги улгуржи-прейскурант бўйича нархи | кг | | 39 809,00 | | 2 639 120, 00 | 86 675 100,67 | 20% | 17 335 020,13 | 104 010 120,80 | 104 010 120,80 |
| Ташиш бўйича харажатлар* | | | | | | 492 520,85 | 0% | | 492 520,85 | 492 520,85 |
| «Сифат» харажатлари* | | | | | | | | | | |
| Қабул қилиш* | | | | | | 287 988,60 | 20% | 57597,72 | 345 586,32 | 345 586,32 |
| Юклаб жўнатиш* | | | | | | | | | | |
| Сақлаш* | | | | | | 121 997,05 | 20% | 24399,41 | 146 396,46 | 146 396,46 |
| Воситачилик ҳақи | | | | | | 737 140,47 | 20% | 147 428,10 | 884 568,57 | 884 568,57 |
| Жаҳон ва улгуржи-прейскурант қиймат орасидаги фарқ (ижобий) | | | | | | | | | | 46 745 274,01 |
| Жаҳон ва улгуржи-прейскурант қиймат орасидаги фарқ (салбий) | | | | | | | | | | |
| **Жами:** | **АҚШ доллари** | | | | | | | | | **105 858,59** |
| | **сўм** | | | | | | | | | **190 145 316,53** |
| **Жами тўлашга:** | **Бир юз беш минг саккиз юз эллик саккиз доллар 59 цент** | | | | | | | | | |
| | **Бир юз тўқсон миллион бир юз қирқ беш минг уч юз ўн олти сўм 53 тийин** | | | | | | | | | |

*) Агар ушбу хизматлар ҚҚС тўловчиси бўлган корхоналар томонидан кўрсатилган бўлса ва ҳисобварақ-фактураларда ҚҚС суммаси ажратиб кўрсатилган бўлса, ҚҚС акс эттирилади.

Раҳбар ____________________

Бош бухгалтер _______________

Олдим ________________________________
(сотиб олувчи ёки ваколатли вакилнинг имзоси)

М.Ў.

20__ йил «___» _________ даги
_____-сон ишончнома бўйича
__________________________
(товар олувчининг Ф.И.О.)

Товарни бердим ____________________________
(етказиб берувчининг масъул шахси имзоси)



www.lex.uz

Республика ички истеъмолчиларига реализация қилинадиган пахта толасига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2б-ИЛОВА

**ТИАИСВ компаниялари орқали пахта толасини республика корхоналарига реализация қилишда ҳисобварақ-фактурани тўлдириш**
**МИСОЛИ**

**20__йил «___» _____________ даги _____-сон**
**товар юклаб жўнатиш ҳужжатига**

**20__йил «___» _____________ даги __________-сон**
**ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

Етказиб берувчи: Ўзмарказимпекс
Манзил:
Телефон:
Ҳисоб рақами:
МФО
шаҳар (туман)____________
Етказиб берувчининг идентификация рақами
(СТИР)
ХХТУТ бўйича код _____________

Сотиб олувчи: Республика корхонаси
Манзил:
Телефон:
Ҳисоб рақами:
МФО
шаҳар (туман)____________
Сотиб олувчининг идентификация рақами
(СТИР)
ХХТУТ бўйича код _____________

*1 АҚШ долл. = 1800 сўм.*

| Товарлар (ишлар, хизматлар) номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Ўлчов бирлиги нархи | Етказиб бериш қиймати ҚҚСсиз | ҚҚС | | Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда қиймати (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ставкаси | суммаси | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 1. Пахта толаси, 5 тур, 1 нав, ўрта синф | тонна | 50,0 | 1984,00 АҚШ долл. | x | x | x | 99 200,00 АҚШ долл. |



www.lex.uz

| Товарлар (ишлар, хизматлар) номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Ўлчов бирлиги нархи | Етказиб бериш қиймати ҚҚСсиз | ҚҚС | | Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда қиймати (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ставкаси | суммаси | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| миллий валютадаги эквиваленти | | | 1 тоннага 3 571 200,0 сўм | | | | |
| **«Пахтасаноат» ҲАБнинг 20__ й. «___» ___________даги ____-сонли ҳисобварақ-фактураси асосида нетто оғирлик бўйича қайта ҳисоб-китобдаги прейскурант нарх бўйича** | | | | | | | |
| 2. Пахта толаси, 5 тур, 1 нав, ўрта синф | тонна | 1 | 1 тоннага 2 503 320 сўм | 1 тоннага 2 503 320 сўм | 20% | 1 тоннага 500 664 сўм | 1 тоннага ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда прейс-курант нархи 3 003 984 сўм |
| 2.1. Пахта толаси, 5 тур, 1 нав, ўрта синф | тонна | 50,0 | 1 тоннага ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда прейскурант нархи 3 003 984 сўм | 125 166 000 сўм | 20% | 25 033 200 сўм | 150 199 200 сўм |
| 2.2. «Пахтасаноат» ҲАБ мукофоти | % | | Пахта толасини прейскурант нарх бўйича етказиб бериш қийматидан 1,5% | 1 877 490 сўм | 20% | 375 498 сўм | 2 252 988 сўм |
| 3. Ўзмарказимпекс мукофот ҳақи | % | | Чел эл валютасидаги қийматидан 0,5% | 744 000 сўм | 20% | 148 800 сўм | 892 800 сўм = 99 200,00 АҚШ долл. х 0,5% х АҚШ долл. курс |
| **Жами тўлашга** | | | **Тўқсон тўққиз минг икки юз АҚШ долл.** | | | | |

Раҳбар ______________________

Бош бухгалтер ________________

М. Ў.

Товарни бердим ______________________________________
(етказиб берувчининг масъул шахси имзоси)

Олдим ______________________________________
(сотиб олувчи ёки ваколатли вакилнинг имзоси)

20__ йил «___» _________ даги
_____-сон ишончнома бўйича
______________________________
(товар олувчининг Ф.И.О.)



www.lex.uz